



Кўзголонни ҳаракатга келтирувчи куч дехконлар эди. Уларга санъат вакиллари ва жадидларнинг кўпчилиги билан бирга дин ахли ҳам кўшилди. Кўзголоннинг етакчилари етарли даражада эди. Бирок улар ягона марказга уюшмаганди.

Ўз теварагига йигитларни тўплаган кўрбошилар 1918 йилнинг ёзига умумий раҳбар бўлган кўрбоши бошчилигида фаолият кўрсатдилар. Кўпчилик Эргаш кўрбошинигина ҳаракатнинг хақиқий раҳбари сифатида тан оларди. Эргаш ўз ўрнини Шермухаммадбек Хожи Кўшокўглига (Шомағдиев. Очерки истории, 61-бетга биноан: 1918 йил мартининг охирида Бачкирда 40 нафар кўрбоши музокара учун тўпланди. Бу ерда Эргаш «Амирал мўъминин» килиб сайланди. Муҳаммад Аминбек билан Шермухаммадбек унинг ёрдамчилари бўлди. Жантураев, Гражданская война в Киргизии 1918 - 1920 г.г., Фрунзе, 1963.)нинг 66-бетига кўра Эргашга «Амирал мўъминин» бўлиш таклиф килинди-ю, у рад килди. Шунинг учун бу вазифани Шермухаммадбек ўз гарданига олди.) берди. 1918 йил ёзида Кўшокўглига саккиз минтака кўмондонлари тобе эди: Кичик Эргаш, Муҳаммадаминбек, Холхўжа, Парпибек, Муҳиддинбек, Омон пахлавон, Нурмухаммадбек (Шермухаммадбекнинг укаси) ва Жонибек (Эргаш кўрбоши амрида 1200 атрофида йигит бор эди. Мадаминбекда 5000га яқин, Холхўжада 3000, Парпи кўрбошида 3600 дан зиёд, Муҳиддинбекда 4500дан ортиқ, Омон пахдавонда 1800, Нур-мухаммадбекда 3900 атрофида ва Жонибекда 5700 йигит бор эди. Киёсланг: Тукли. «Фаргона мужоҳидлари», 1928, 8-сон, 12-6.). Хар бир минтака кўмондони ўз кўлидаги микдор жихатидан кўпайган қисмлар кўмондонларига ҳам бошчилик килиш ҳуқуқига эга

эди(Туклига кўра (13-15-6.) Мадаминбек кўл остида тубандаги минтака кўмондонлари бор эди: Солих Махдум, Исмоил Пахдавон, Усмонбек, Фаёз Махдум, Козокжонбек, Хошим пахдавон: Холхўжа кўл остидагилар: Сохибкирон, Йўлчибек, Теша Афтасир, Нўъмонбек, Шамшак Таназ, Мулла Умарий, Узок, Саид Ахмад, Йўлдош Пахдавон; Парпи кўрбоши кўл остида: Юнусбек, Исроилбек, Махкам Хожи, Охунжон Абдураззокбек, Козокбой, Мирзо Тохирбек; Мухиддинбек кўл остида: Янгибой Амин, Усмон Бегбоши, Тўхта Мухаммадбек, Ёрмухаммад Махдум, Мулла Хўжабек, Ахмад Алибек, Аскарбек; Омон пахлавон кўл остидаги кўрбошилар: Рахмонкулбек, Йўлдош Чардак, Сотиболди кози, Рўзмухаммадбек, Хожи Тўрабек, Бойтуман-бек: Нурмухаммадбек кўмондонлигидаги кўрбошилар: Дардахбек, Эргаш полвон, Юсуфбек, Аскарбек, Жўрабек, Авлиёхон Тўра, Умар Тохирбек, Ахмад Полвон, Алиёбек, Тўхтасинбек, Умарали бек, мулла Хотамбек, Мухаммад Рўзибек, Сотиболдибек, Юсуфжон махдум, Мулла Пўлатбек, Шокирбек, Кутлимурадбек, Хонихонбек, Тошмухаммадбек, Корабой, Мухаммадалибек, Эргашбек: Жонибек козининг кўл остидаги кўрбошилардан куйидагилар, айникса, шухрат козондилар: Шамсибек, Жамолбек, Кичик Маъруфбек. Фаргонадаги кўрбошиларнинг 125 нафари генерал унвонига мушарраф бўлган. Каранг: Tukli (14), 15-сон, 10-6.). Фаргонадаги озодлик курашчилари 1919 йил ноябрига кадар муҳим ўлкаларни кўлга киритишга мушарраф бўлдилар. Фаргона водийсидаги рус-шўро ташкилотлари фаолиятини тўхтатиб қўйишди. Тошкент шўро раҳбарлари номигагина мавжуд бўлган Фаргона ўлкаси шўро ижроия кўмитасини тугатиб, ўрнига 1919 йил 11 ноябрда беш аъзоси бўлган Фаргона Инкилоб кўмитасини таъсис қилдилар. Яна 1919 йил августида уч русдан ташкил топган Фаргона жаҳхаси тузилди. Улар куйидагилардир: Сафонов (жаҳха кўмондони), Филипов (жаҳханинг ҳарбий-сиёсий комиссари) ва Спasiбов (сиёсий комиссар ва жаҳханинг инкилоб ҳамда уруш кўмитаси бошлиги). Кизил аскарлар ва бу Инкилоб кўмитаси босмачи ҳаракатини бостиришни эплай олмади. Шунинг учун Фаргона Инкилоб кўмитаси 1920 йил 20 августда бекор қилинди. Унинг ўрнига Фаргонада ҳарбий диктаторлик ўрнатилди. Бу идора фуқаролар ва ҳарбий масалаларни назорат қилиб, ўзлари хоҳдаган қонун чиқариш ҳуқуқига соҳиб эди. 1920 йили Фаргона Кўзғолони энг юқори чўққисига кўтарилгандан кейин Кизил аскарлар Хоразм ва Бухорога бостириб киргач, Хоразм ва Бухоро ҳам миллий кўзғолон марказларига айланди. Амир тарафдорлари, миллий кайфиятдаги Бухоро жаҳидлари русларга қарши кўлига қурол ола бошлади. Жунаидхон ва Хоразмдаги миллий курашнинг бошқа етакчилари шўро ҳокимияти яралгандан бери унга қарши олиб бораётган курашларини давом эттирдилар. Миллий-озодлик ҳаракатининг бирданига уч марказга эга бўлиши Туркистондаги шўро-рус ҳокимиятини таҳликага солди. Иш шунга бориб етдики, Кизил аскарлар 1919 йил августида оқларнинг Оренбург истехкомини ёриб ўтиб, қучларини Туркистонга ташлашга мажбур бўлди. Кўзғолон тўлкини шу даражада эдики, уни факат Туркистондаги шўро-рус қуролли қучлари билангина бартараф қилиш асло мумкин эмасди. Шу боис шўро раёсати 1919 йил августида Туркистонда шўро ҳокимиятини сақлаб қолиш учун «Туркистон жаҳхаси» ташкил қилди. 18 августда бу жаҳхага бош кўмондон қилиб тайинланган Фрунзе 3 сенабрда Туркистонга юриш тайёргарлигини қўриш фармонини берди(Атрофлича маълумот учун қаралсин: Фрунзе. Избранное, 235-236-б.). Бошида Фрунзе бўлган Туркистон бош штаби 22 февраль 1920 йили Тошкентга қириб келди. Шундай қилиб, босмачилик ҳаракатига қарши «мунтазам курашиш мумкин бўлди»(Зевелов. За советский... 107-б.). Туркистондаги шўро қўшинларининг қучайтирилиши ва уларнинг миллий озодлик ҳаракатига қарши қатъий

кураши ҳам озодликучун бўлган кураш оловини пасайтира олмади. 1920 йил ва 1921 йилларда ракиблар Фаргона водийсининг ҳар бир кишлоғи, шаҳари, дашти ва тоғларида жанг олиб бордилар. Амударё хавзасидаги кўзғолон, хусусан, Жунаидхон бошчилигидаги жанглар шўро кизил аскарларини жуда танг ахволга солиб қўйди. 1920 йилдан бери Бухорода кучайиб бораётган миллий кураш ўзининг энг юкори нуктасига кўтарилди. Фаргона водийсидаги ҳуррият курашчиларининг кайфияти, катта талафотларга қарамасдан, жуда кўтаринки эди. Бу ҳолатда шўро уруш раҳбарлари ўзларининг ночор аҳолини яшира олмасди. Фарғонада 1920 йил февралигача кизил аскарлар билан ҳамкорлик қилувчи бирорта ҳам мансабдор топилмади (Фаргона водийсида босмачилик ҳаракатига қарши кизил аскарларнинг 2-полки кўмондони Веревкин Рохальский 1920 йили 20 феввалида Туркистон жаҳхасининг инкилобий ва ҳарбий шўро-сидан шуни илтимос қилди: «Фарғонага масъул мусулмон маъмурлар жўнатилиши лозим. Улар фақат шаҳарлардагина эмас, балки бутун Фаргона водийсида фаолият олиб боришлари керак. Хозир бундай партия - муаллифда бор. Бу масалаларни инкилобий ва ҳарбий шўрода ҳеч қандай шов-шувсиз ҳал қилинишини илтимос қиламан»). Киёсланг: «Иностранная военная интервенция», II, 411-6.). Шунинг учун руслар ҳокимиятларини таъминлаш учун ҳар қандай тадбирни фақат ўзлари бажаришдан бошқа чораси қолмаганди. Фарғона-даги миллий озодлик кўзғолони раҳбарларининг Туркистон жанубидаги ўлкаларида маънавий иттифокчилари бор эди: 1919 йилда Ўроз сардор (Ўроз Сардор машхур Гўктепа мудофааси кўмондонининг ўғли эди. Киёсланг: Ellis, The transcaspian Episode, 95-6. 1918 йилнинг ўрталарида амрида 3000 дан зиёд жангчиси бор эди. Киёсланг: Ино-странная военная интервенция и гражданская война в Средней Азии Казахстана, Алма-Ата, 1963, (I), 1964, (II), I. П-б.) Тажан дарёси воҳасида муваффақиятли ҳаракат қиларди. Азизхон (Хазар атрофида Британия ҳарбий Илгори кўмондони генерал Маллесон Азизхонни аскарлари билан бирга генерал Деникин қўл остига ўтишини хоҳлади. Азизхон бу таклифни қабул қилмади. Курашни оқ гвардиячиларга ва шўроларга қарши олиб бориб, бир вақтда икки жаҳхда жанг қиларди ва 1919 йил охирида қурбон бўлди. Киёсланг: «Jeni Turkistan», 1929, 7-8-сонлар, 5-6.) қисмлари эса Тажан воҳасида 1919 йилга қадар кизил аскарлар ва оқ подшо қўшинидаги руслар билан қисқасиз жасорат қўрсатиб жанг олиб борган эди. Зарафшон қирғоқларида Баҳром қўрбоши, Қоракўлбек, Мирзо Баҳром, Очилбек ва бошқаларнинг таъсири қучли эди (Тўлиқ маълумот учун қаранг. Ҳамроқул Самарқандий «Зарафшон хавзаси мужоҳидлари» 10-12-сон, 16 - 17 б.). Қўзаил Махсум 1921 йил 3 мартда Қарвозни қўлга қиритди. Эшон Султон 1921 йили 3 августда Қарм қалъасига ҳужум қилди, фақат бесақар бўлди. Мастқоҳ беги Абдуқафиз 1921 йил 2 июнда Қарм қалъасини қамал қилди ва жангда 2500 йигитидан ажралди. У 25 июнда ақир олинди ва қатл қилинди. Шарқий Бухорода Иброҳимбек ва Қавлатмандбек йигитлари билан ўз туманларида алоҳида ҳокимият ўрнатдилар. 1920 йил мартида Мастқоҳ кўзғолони етакчиси Саид Аҳмадхўжа (отаси Туркистон мухтор шўро социалистик жумҳурияти) Марқазий ижроия қўмитаси аъзоси Авлиё Хўжаевдир) Мастқоҳни мустақил деб эълон қилди. Шўро аскарлари Мастқоҳни фақат 1923 йилдагина қўлга қирита олдилар. Фаргона водийсидан ташқаридаги кўзғолон етакчилари миллий ҳуқумат қўрмаса ҳам шўро руслари билан курашда қўп зақар қучдилар. Водийдаги озодлик ҳаракати раҳбарлари эса урушдаги муваффақиятларини миллий ҳуқумат тузиш билан мустақамлашга инти-лардилар. 1919 йил 24 сентябрда Фаргона водийсидаги қучли раҳбарлардан Муҳаммадаминбек Шарқий Туркистон чегарасидаги Эргаштомда Муваққат

Фаргона ҳукумати тузди. Аммо кизил аскар хужумига бардош бера олмай, 1920 йили 7 март шўроларнинг иккинчи дивизияси билан омонлик битими (Тинчлик шартномаси матни: Wilford, Turkestanisches. Tagebuch. 1930, 324-6; Hayit, Turkestan im XX Jahrh, 180 - 181 бетларда келтирилган.) тузиб, қурулларини топширди. Шу вақтда ташаббусни Шермухаммадбек қўлга олди ва у ҳам 1920 йил 3 майда Муваккат Туркистон ҳукумати тузди. Бу ҳукумат 1922 йилнинг охиригача яшай олди. 1922 йил 15-20 апрелида Туркистон миллий қурултоғи ўтказилиб, муваккат ўқийлик қабул қилинди. Шермухаммадбекнинг бу ҳукумати энг аввало урушдаги муваффақиятларга боғлиқ эди. Шўролар 1922 йилда озодлик қурашига қарши ҳамма ерда кенг ҳужумга ўтди. Миллий озодлик ҳаракатининг аҳоли ниятида оғирлашди. Қўзғолон раҳбарлари турли сабаблар ва маҳаллий шарт-шароитлардан келиб чиқиб, бир-бирлари билан алоқани тиклай олмай қолдилар.

Шунинг учун муваккат Туркистон ҳукумати фаолиятсиз қолди. Энди ҳар бир қўзғолоннинг раҳбари ўзи ҳаракатда бўлган маҳалланинг ҳуқуқдори деб ҳисоблаб, ўзича алоҳида иш тутди бошлади. Москвадаги Тошкентдаги вакили Оржоникидзе 1922 йили таъкидлаганидек, Туркистонда жуда кўп миқдорда ҳокимиятлар пайдо бўлди (Русия шўро ҳукумати вакили Оржоникидзе 1922 йил 16 майда Тошкентда шундай деди: «Тўрт йиллик урушнинг бир натижаси сифатида бу ерда (Туркистонда) кизик ҳодисалар майдонга келди. Пролетариат ва босмачи диктатураси ўрнига ўз қуч-қувватига эга, ўз тобеларига эга бўлган феодаллар ва хонларнинг ҳокимияти вужудга келди». Иркаев, История гражданской войны! в Таджикистане. - Душанбе: 1963, 320-6.). Фаргона водийси озодлик қурашчилари шўро қисмларининг оромини тинимсиз бузиб турган ва Қорақумда Жунаидхон зафар қозониб турган бир вақтда, 1921 йил 8 ноябрда, Бухорода Анвар пошо пайдо бўлди ва Туркистон миллий озодлик ҳаракатига қўшилди. Анвар пошо 1920 йилнинг бошидан бери Москвада бўлиб, Русия шўро ҳукумати билан Туркия масалалари бўйича ҳамжиҳатлик қилишга эришиш учун ҳаракат қиларди (Анвар пошонинг ҳаракатлари борасида қаранг: Dr. Fethi Tevetoglu, Turkiyede Sostyalist va Komunist Faahiyerler (1910 - 1960), Ankara, 1967; Şevket Siireyya Aydemir, Enver Pasa, C.III, Istanbul, 1972 й.). Анвар пошонинг 1920 йил сентябрида Боқудаги Шарқ миллиятлари анжумани иштироки юзасидан турк коммунистлари: у анжуман ҳузурида «вакил» сифатида эмас, балки Халқ маҳкамаси қарори асосида «жиноятчи» сифатида ушлаб турилиши керак деган фикрни билдирдилар. Анжуман хайъати унга кўп эътибор қилмади (Шу билан бирга Анвар пошо 7 сентябрь 1920 йилда Қозим Қарабекир пошого Боқудан: «Шарқ конгрессидан жуда мамнунман», - деб ёзди. Қиёсланг. Karabekir, Istiklal Harbimilde. Enver Pasa ve Ittihat Terakki Erkani, Istanbul, 1967, 40-6.). Анвар пошо бошқа томондан Анатолия озодлик қурашининг Отатурк доираси ва ҳусусан, унинг Шарқий жаҳони бош қўмондони Қозим Қарабекир билан алоқа ўрнатди (Қаранг: Karabekir, Istiklal Harbimilde. Enver Pasa ve Ittihat Terakki Erkani, Istanbul, 1967, 386-6.). Поша Шарқий миллиятлар анжуманида Туркистондаги вазият ҳақида кенг маълумот ва тажрибага эга бўлди. У Бухорога Москвадаги салоҳиятли вакили сифатида келди. Бу ерда у Россиянинг манфаатини ҳимоя қилишдан воз кечди ва Туркистоннинг озодлиги учун қурашга ўз ҳиссасини қўшишга қарор қилди. Анвар пошонинг ҳарбий санъатидан ва шахсий иқтидоридан қаноат ҳосил қилган босмачилар раҳбарларининг бир қисми буни қувонч билан қаршилади. Фақат Заки Валидий Тўғон: «Болшевиклар миллий кизил аскар асосида бир миллий Туркистон шўро жумҳуриятини тузишга рози бўлса, биз болшевиклар билан бирлашамиз», - деб Пошонинг Туркистон озодлик ҳаракатига аралашмаслигини тавсия қилди. Бунга қарамай,

Анвар пошо ўз аҳдида собит қолди. Миллий шўро Ҷумҳурияти учун эмас, балки шўро тутумидан тамомила холи, мустақил миллий Туркистон учун ҳаёт-мамот жанглари кетаётган бир замонда Заки Валидийнинг болшевиклар билан бирлашиш ҳақидаги хомҳаёлга бориши ҳақиқатдан йироқдир. Анвар пошо аста-секин Туркистон миллий кўзғолонининг етакчи раҳбари даражасига кўтарилди. Унинг раҳбарлигида бу ҳаракат ўзининг энг юқори нуктасига етди. Анвар пошонинг ўз йўлини ўзгартириши шўро Русияси ҳукуматига катта ташвишлар келтирди. Чунки Русия Анвар пошо воситасида Шарқ миллатларини коммунистик тушунчада «инкилоблаштириш» ёки «озод қилиш»ни истарди. Шўро раёсатининг бу орзуси Анвар пошонинг миллий озодлик ҳаракатига кўшилиши билан пучга чиқди. Шундай қилиб, Анвар пошо Русиянинг йирик таҳдиқали душманига айланди. 1922 йил 19 майда у шўро ҳукуматига бир баёнот юбориб, унда қизил аскарлар Туркистонни бўшатиб қўйишини талаб қилди. Бу баёнотдан олдинроқ, 1922 йил 12 январида, РСФСРнинг Душанбедаги консули Нагорний Анвар пошого мактуб йўллаган ва Бухоронинг ички ишларига аралашмасликни илтимос қилган эди. Ўша мактубга жавоб хатида ҳам Анвар пошо қизил аскар Туркистонни тарқ этишини талаб қилган эди. 1922 йил 14 январда Нагорний Анвар пошого қайта хат ёзиб, унда Русия ҳукумати Бухородан ўз аскарларини қайтариб олишини, аммо Усмонхўжани қўриқлаш учун бир қисм аскарлар Душанбеда қолдирилажагини билдирди. 1922 йил 16 январдаги жавоб хатида Анвар пошо: «Русияни қутаётган буюқ фалокатдан холис бўлишни истасангиз, босиб олинган ерларни бўшатишингизни ва туркистонликлар ҳам бухороликларга ўз ишларини йўлга қўйишига фурсат беришингизни тавсия қиламан», деб огоҳдантирди (Иркаев, История гражданской... 307 - 308 б.). Неча йиллардан бери бутун Туркистонни эгаллаб олиш учун уруш қилаётган шўро-рус ҳукумати Туркистонни осонгина бўшатиб чиқиб кетишни ҳеч қачон ҳаёлига ҳам келтирмаган (Фрунзе 1919 йил 18 августда Туркистонга юриш ҳақидаги буйруғида шундай жумла ҳам бор эди: «Туркистондаги ҳзрбий қисмлар бутун Туркистонни ишғол қилишни биринчи мақсад қилган қўринади»). Шунинг учун ҳам Анвар пошо раҳбарлигида бўлган миллий озодлик ҳаракати курашчилари билан Русия ўртасидаги «учрашув» фақат қуроллар воситасидагина бўлиши мумкин эди. Тарафлар орасида шиддатли жанглар бошланди. Анвар пошо шўролар жосуслик ташкилотининг қурбони бўлди. Унга қарши олиб борилган жосуслик фаолиятини ГПУ марказидан туриб шахсан Огабеков қўзғатди (Агабеков, ЧК за работой, Берлин, 1931, 52 - 68 б. Осипов ва Абдурахмон (туркистонлик тожик) Анвар пошони қандай қилиб таъқиб қилганликларини ёзади. Улар савдогар қиёфасида юрардилар. Агабеков ўзи асли армени бўлиб, туркча ва форсчада жуда яхши гаплаша оларди.). 1922 йил 4 августда Балжувонга қизил аскар бирлиги ҳужум қилди. Анвар пошо шу ерда Сотилмиш кишлоғида эди. Қурбон хайитининг биринчи қўни эди, қизиллар тўсатдан ҳужум қилди. У отига минди ва қиличини яланғочлаб, ўн бир русни жаҳаннамга жўнатди ва русларнинг тўп отишидан эрталаб соат 10 да шахид бўлди. Озодлик ҳаракатининг қаҳрамони Анвар пошо жанозасида 15-20 минг мусулмон иштирок этди. Унинг вафоти муносабати билан шоир Чўлпон шундай азият чекканди:

«Сўнг нафасини душманлар олди.
Ох, жирканч замонлар қелди.
Толесизлигимга шайтонлар қулар.
Анвар пошонинг шахид бўлса-да, озодлик ҳаракати машъали сўнмади. Бу машъала ёнишда давом этди. 1923 йили шўро Русияси қизил аскарлар бош қўмондони С. С. Каменев Туркистонга шахсан ўзи қелди. Шу йили Фарғонадаги босмачилик ҳаракатига

карши янги режа тузилди(Зевелов, за советский, 179-6.). Бу пайтга келиб, кўзголон раҳбарларининг катта бир қисми ё урушда шахид бўлдилар ёки асир олинди, катл қилиндилар (Озодлик уруши иштирокчиларидан 1923 йилгача шахид бўлганлари ёки асир олинди, катл қилинганлари орасида энг машҳурлари жумласига қуйидаги зотлар қиради: Эргаш кўрбоши (1920 йилда асир олинди, осиб ўлдирилган), Тўйчи кўрбоши (1920 йил 26 сентябрида асир олинди ва катл қилинди), Мадаминбек (1920 йил 9 апрелда босмачиларнинг ўзлари отиб ўлдирганлар), Парпи кўрбоши (9 апрель Андижонда шахид бўлди,) Мухиддинбек (яраланиб асир тушади ва 1923 йил 31 октябрида катл этилади), Раҳмонкул кўрбоши (асир олинди, 1923 йили отиб ўлдирилди), Қози Тўра (ўратепалик, 1920 йили шахид бўлди), Давлатмандбек (Анвар пошо билан бирга 1922 йил 4 августда шахид бўлди). Маркий Бухоронинг ўзидагина 1923 йил 1 ноябридан 1924 йил 1 июнигача 54 нафар кўрбоши жанг майдонида шахид бўлди. 52 нафари шўро аскарлари томонидан асир олинди. 134 кўрбоши урушни давом эттиришдан воз кечди. Уша даврда Фаргона, Самарканд, Хоразм ва Бухоронинг бошқа жойларида яна 138 кўрбоши шахид бўлди. Қиёсланг: Иркаев. История гражданской, 452-6.). Баъзилари эса омонлик тилади, яъни ё шўролар билан тинчлик битими тузди ёки четга чиқиб кетди(Урушдан воз кечганлар қаторида шу кишилар бор эди: Мадаминбек (тинчлик битими), Аҳмад Хўжа (Мастчох ҳукмдори, бу ҳам тинчлик битими асосида урушдан воз кечган, 1920), Жонибек (таслим бўлган, 1923), Матмар кўрбоши (1921 йил охирида таслим бўлган), Холхўжа (1920 йил охирида таслим бўлган. Бу киши хоинлик учун Алиёр томонидан орқадан ўлимга ҳукм қилинган). Машҳур кўрбошилардан чет элга қочишга муваффақ бўлганлари: Шермуҳаммадбек, Нурмуҳаммадбек ва Фозил Маҳсумлар (1923 йилда Афғонистонга). Шермуҳаммадбек 1970 йил 10 мартда Аданада - Туркияда 81 ёшида вафот этди.). Қизиллар 1923 йил баҳоридан 1924 йил ўрталаригача озодлик ҳаракатига қарши қурашда кенг миқёсда қолиб қела бошлади. Бу ҳолат босмачилик ҳаракатининг сўнишидан далолат бермас эди. Аксинча, бу ҳаракат аслида, 1934 йилга қадар у ёки бу даражада давом этди(Алоҳида ўзилишлар билан бўлса ҳам озодлик қурашини 1934 йилгача давом эттирганлар: Носиржон Тўра (1929 йили Фаргона водийсида), Фозил Маҳсум (1929 йилда Гармда), Эшон Исахон (1931 йилда Сурхондарёда), Гофурбек, Рауф Туг Сафо, Қомил кўрбоши, Мусулмонкул, Тошматбек, Ҳалил Ҳоди, Мавлонбек (1931 йил Янгибозор атрофида), Мулла Зиёвуддин, Мулла Шоқир ва Пирназар (1931 йил Файзободда), Назарбек ва Раҳмонкул (Ягноб водийсида), Алимардон додхо Бобожон, ШохАсан ва Иброҳим кўрбоши (Лақайда), Эгамбер-ди, Қўргонбек, Аннакул, Эрназар, Қурартик, Али полвон, Мулла Саид, Исматулла Нурбобо, Мулла Шариф (Балжувон минтақасида)).

Босмачилик ҳаракатининг олдини олмоқ учун Туркменистон ССРда 1931 йил 25 августда бир комиссия тузилди (Я. А. Попок - Туркменистон КП МК қотиби, Қ. Атабаев КП - Ҳалқ комиссарлари шўроси раиси, Е. Г. Евдокимов - ГПУнинг Ўрта Осиё бўйича масъули. Р. Е. Дубенко Ўрта Осиё ҳарбий минтақаси қўмондони). Иванченко, Руководящая и организующая роль КП в разгроме басмачества в Туркестане. ИАН, Турк. СО, 1969, 4-сон, 8-6: «1932 йил давомида ва 1933 йилнинг биринчи ярмида КП раҳбарлигидаги Туркменистон меҳнатқашларининг ҳаракатлари ва Қизил қўшин бирликлари билан ОГПУ ёрдамида, ниҳоят, босмачилик ҳаракати парчаланиб ташланди». А. Раҳимбоев, Таджикистан. - Москва: 1936, 17-6: «Босмачилик ҳаракати фақат 1935 йилдагина йўқ қилинди»). 1931 йили Иброҳимбекнинг йигитлари билан қизил қўшин қисмлари орасида собиқ Шаркий Бухоро ёки Туркистон мухтор шўро социалистик жумҳуриясида бўлган

шиддатли жанглар алоҳида бир ҳодисадир. Собик Бухоро амирлигининг Лакай ҳукм дори Иброҳимбек 1920 йили рус кўшинлари мамлакатига кирган кундан бери уларга қарши қурашни тўхтатмаган эди. 1927 йили у Афғонистонга қочади. 1931 йил 30 мартда саккиз нафар кўрбоши билан ватанига қайтди. 3 апрелдан то 19 апрелгача унинг йигитлари билан рус қисмлари орасида бир неча марта жанг бўлди. Иброҳимбек Вахш дарёсининг ўнг қирғоғига чекинди. 10 майгача 974 йигитидан ажралди. Май ойида ҳаракатни Боботогга кўчирди. Иброҳимбекка қарши шўролар 4000 аскар юборди. 1931 йил 12 июнда Окбоштоғда сўнги ва шиддатли муҳораба бўлди. Иброҳимбек яраланди ва жангни бой берди. Қофирнигон дарёси бўйлаб, Боботогга чекинди. Ўзига яқин қишлоқлари (ҳазинадори Саттор, қотиби Али, кўрчиси Раҳмат ва қўмондонларидан Соҳиб) билан 1931 йил 23 июнда Қофирнигон дарёсидан кечиш ўтиш вақтида ҳдмюртларининг сотқинлиги ҳисобига ГПУ тарафидан қўлга олинди (Хўжа Булбулан қазосида ГПУнинг полки ва Муқим Султонов бошчилигида кичикрок ГПУнинг махсус бўлими қатнашди. ГПУнинг жосуслари Эгамберди Йўлдошев ва Қарим Алимардоновлар Иброҳимбекни қанидилар. Иброҳимбек дарёдан кечиш умидида эди. Қар икки жосус бу ниятни Султоновга етказдилар. Султонов ёрдамчиси Гулхўжа Назаровга қайикчи қиёфасида Иброҳимбек ва шерикларини бу соҳилга ўтказиб қўйишни буюрди. Назаров Иброҳимбекка дарё нотинчлиги туфайли қурулларни бошқа қайикка жойлаштириш қерак, деган тақлифни қилди. Шум ниятдан беҳабар, қарадор, қориган Иброҳимбек бунга қўнди. Назаров Иброҳимбек ва унинг мулозим-ларини соҳилга етказар-етказмас Султонов Иброҳимбекни қамокка олди. Қаранг: Иркаев. История гражданской, 722-6., Қанай, Иброҳим-бек Лақайли қандай қутилган эди? УТ, 1936, 74-сон, 22 - 26 бетлар.). Шу йили ўлимга ҳукм қилинди. Ундан сўнғ қам қичик-қичик босмачи тўдалари ҳаракатни давом эттирди. Босмачилик ҳаракатиға ўзил-қесил барқам қериш ўчун Тожикистон қабҳдси қизиллар қўшиниға 1931 йил 8 майда олти ноҳияға бўлиниш ҳақида қармон қерилди.

Др.Боймирза Қайитнинг

"Туркистон Россия ва Қитай оралиғида" қитобидан